O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 28-oktabr • Seshanba • 129 (27.934) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир».



«Ўзэкспомарказ»да очилган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятининг жадал юксалиб бораётгани ёрқин намойиш этилмоқда. У Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 11 апрелдаги тегишли қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилмоқда. Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасининг доимий фаолият кўрсатадиган ташкилий қўмитаси тадбир ташкилотчиси ҳисобланади.

КООПЕРАЦИЯ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасини ўтказишдан мақсад — ички тармоқ ҳамда тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, республикамиз хўжалик юритувчи субъектларига ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришда, ҳамкорлар топиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш бўйича шартномалар тузишга кўмаклашишдан иборат.

Тадбирнинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, шу жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш борасидаги туб ўзгаришлар натижасида мамлакатимиз реал иқтисодиётининг барча жабҳаларида кўрсаткичларнинг доимий ўсиши кузатилаётгани таъкидланди. Бу галги ярмарка ва биржада Ўзбекистондаги 260 дан ортиқ корхона ва ташкилот иштирок этаётгани ҳам шундан далолат беради. Бу эса ўтган йилги биринчи Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасидагига нисбатан анча кўпдир.

Иқтисодий ривожланиш — ҳар қандай давлат тараққиётининг асосидир. Бозор ислоҳотлари босқичма-босқич ва комплекс равишда амалга оширилаётган Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётининг салоҳиятини янада ошириш, ички ва жаҳон бозорида рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган. Истиқлол йилларида нефть-газ, машинасозлик, электр техника, кимё, металлургия каби соҳаларда ўнлаб йирик саноат корхоналари барпо этилди. Инфратузилма жиҳатидан юксак ривожланган ва маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоиз бўлган мамлакат иқтисодиёти учун янги автомобиль саноати ташкил этилди. Юқори технологиялар асосида полиэтилен, сиқилган ва суюлтирилган газ, кальцинацияланган сода, эгилувчан темир йўл шпаллари, электр техника ва ўтказувчан кабель маҳсулотлари, кўплаб турдаги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган ислоҳотлар иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлади. Буни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича статистика маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, 2008 йилнинг 9 ойи мобайнида ялпи ички маҳсулот ўсиши 9,4 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,4, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 4,1, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 18,4, аҳолига хизмат кўрсатиш 18,5 фоизга кўпайди. Бунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 45,3 фоизгача ошди.

Кўргазма «Ўзэкспомарказ»нинг павильонлари ва очиқ намойиш майдонларида ташкил этилган бўлиб, қарийб 7 минг квадрат метр жойни эгаллайди. Кўргазма стендлари ишлаб чиқариш секторлари бўйича тақсимланган. Булар — минерал-хомашё ресурсларини қидириб топиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш, чуқур билим талаб этадиган технологиялар, автомобилсозлик ва самолётсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электр техника,

(Давоми 2-бетда)

✓ Муносабат

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

аҳоли иш ҳақи ва даромадларининг ўсиши суръатида яҳҳол намоён бўлмоқда

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида эришган ҳамма ютуқларимиз аҳоли даромади ва фаровонлигини муттасил ошириб бориш ҳамда кенг қамровли ижтимоий дастурлар ижросининг изчил таъминланиши имконини берди. Узоққа борманг: давлатимиз раҳбари шу йил 22 октябрда имзо чеккан **«Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»**ги Фармонни олинг.

16 ноябрдан бошлаб амал қилувчи мазкур ҳужжатда истиқлолда ўтган 17 йил давомида ҳар доим бўлганидек, фуқароларнинг моддий фаровонлигини изчил ошириб бориш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини барқарор таъминлаш масаласига яна бир бор устувор аҳамият берилди. Қолаверса, бу йўналишга мустақиллигимизнинг илк даврларидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган барқарор йўналиш сифатида қаралди. Зеро, аҳоли пул даромадларининг асосий шакли — иш ҳақи нафақат давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг, балки ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳам муҳим омили — «калити»дир.

Шу боис, давлатимиз томонидан аҳолининг реал даромадлари — иш ҳақи сиёсатини амалга оширишга, уни узлуксиз ўстириб боришга ва бу ўсишнинг иқтисодий ҳамда молиявий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада, ўтган 17 йилнинг ҳар йилги якунлари кўрсаткичларига назар солсангиз, иқтисодий ўсиш самарадорлиги йил сайин ошиб, ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлиги ортиб бориши таъминланмоқда ва пул муомаласининг мутаносиблиги ҳамда миллий валютамиз барқарорлигига эришилмоқда.

2-бет >

«TASHKENTALE – 2008»: САМАРАЛИ ИЖОДИЙ МУЛОҚОТЛАР

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «TashkentALE – 2008» халқаро фотобиенналеси якунланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида пойтахтимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, ёш авлод қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, тарихимиз, боқий анъаналаримизга ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш каби ишлар муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Йигирмага яқин мамлакатдан келган фотоижодкорлар иштирок этган халқаро «TashkentALE–2008» фотобиенналеси бу борада пойтахтимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан таништиришда, ўзаро ижодий мулоқот ўрнатиш, фикр ва тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этди.

Тадбир доирасида Тошкент Фотосуратлар уйи, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси зали, Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройи, Бухоро шаҳридаги галерея ва кўргазма залларида «Она табиатга эҳтиром», «Ёш авлод камолоти», «Мўътабар қарияларимиз» каби ранг-баранг мавзуларда кўргазмалар, «Шарқ ва Ғарб. Тошкент чорраҳаси» актуал видео ва фотосанъати фестивали бўлиб ўтди. Фотоусталар иштирокида маҳорат сабоқлари, давра суҳбатлари, ижодий анжуманлар ташкил этилди.

— Тошкент фотобиенналеси самимий суҳбатлар, ижодий мулоқотлар, кўргазмаларга бой бўлди, — дейди хитойлик Жоу Дзинг. — Кўргазмада хорижлик ҳамкасблар билан бирга бир қатор ўзбек фотоусталарининг ишлари билан ҳам таништик. Ўзбек фотография санъати ўзига хослигини сақлаган ҳолда жаҳон фотосанъатининг илғор тамойиллари ва анъаналарига уйғун тарзда ривожланиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон ва унинг саховатли одамлари ҳақида фотокўргазма ташкил этиш ниятидаман.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Тоҳир Шайманов маъруза қилди.

Мазкур Шартнома Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг беш йиллиги Декларациясига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари ва Кенгаши йиғилишида имзоланган.

2-бет >

✓ ЎзХДП: устувор вазифалар

СИЁСИЙ КУЧНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари, уларнинг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосарларининг семинар-кенгашида бошланғич ташкилотларнинг партия электорати орасида олиб бораётган ишлари самарадорлигини ошириш масаласи муҳокама этилди.

Юртимизда кўппартиявийлик тизими тобора ривож топаётгани аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифода этиш механизмлари такомиллашиб боришига хизмат қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган семинарда асосий эътибор мамлакатимизни демократик модернизациялаш жараёнида фаол қатнашишдек партия устав фаолияти самарадорлигини жиддий ошириш зарурлигига қаратилди.

— Бу вазифа бошланғич ташкилотларимиз фаолияти билан бевосита боғлиқ, — деди анжуманни очар экан партия Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов. — Бугунги кунда партиянинг туман, шаҳар кенгашлари, қуйи бўғинлари фаолиятида муайян тафовут борлиги кузатилмоқда. Фақат расмиятчилик учунгина мавжуд бўлган бошланғич ташкилотларимиз ҳам йўқ эмас. Бундай ташкилотларда ҳисобда турган аъзолар ўзаро жипслашмаган, улар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилмаган.

Муҳокама давомида чекка ҳудудлардаги бошланғич ташкилотлар билан ишлашнинг аҳволи таҳлил қилинди. Бу борада туман партия кенгашлари ишини кучайтириш, бошланғич ташкилотларнинг партия депутатлик бирлашмалари билан алоқасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар билдирилди.

Таъкидлаб ўтилдики, бошланғич ташкилотларнинг бош вазифаси электорат орасида партия дастурий мақсадларини тушунтиришдан иборатдир.

2-бет >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 28 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	831,34	1 Хитой юани	196,53	10 Япония иенаси	143,16
1 Англия фунт стерлинги	2118,11	1 Малайзия рингги	375,98	1 Россия рубли	49,72
1 Дания кронаси	227,47	1 Польша злотийси	442,31	1 Украина гривнаси	261,25
1 БАА дирхами	366,33	1 СДР	2001,96		
1 АҚШ доллари	1345,43	1 Туркия лираси	794,94		
1 Миср фунти	241,88	1 Швейцария франки	1157,86		
1 Исландия кронаси	11,14	1 ЕВРО	1694,70		
1 Канада доллари	1054,08	10 Жанубий Корея вони	9,35		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари хабар қиладилар

«МУНИС» МАНЗИЛГА ЧИҚДИ

Сирдарё. Шу номдаги юк мотоцикллари Гулистон шаҳрида очилган ўзбек — хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда.

Ёш тадбиркор Шуҳрат Суяровнинг саъй-ҳаракатлари билан очилган бу корхонага Хитойнинг «Хаян» ва «Пана» корхоналари 700 минг АҚШ доллари қийматидаги сармоялари билан улуш қўшдилар. Корхона ишга тушган дастлабки ойнинг ўзида 70 та мотоцикл йиғилиб, бозорга чиқарилди. «Мунис» деб номланувчи бу мотоцикллар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Сабаби, уларнинг ортида тиркагичлари бўлиб, 700-800 килограмм юк ташишга мўлжалланган, ҳар юз километр масофага бор-йўғи 2,8 литр бензин сарфлайди.

Мунаввар ПАРДАЕВ

МАВСУМБОП МАҲСУЛОТЛАР

Андижон. Шаҳрихонда масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AN CHIN INVEST» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасини ишга тушди. Бу ерда ойига 13,5 миллион сўмлик эркаклар, аёллар ва болалар учун пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қиш мавсуми яқинлашаётгани туфайли ҳозир бу ерда эркаклар ва болаларбоп чарм этик ва этикчалар тайёрлашга киришилди. Айни пайтда 20 киши янги иш ўринлари билан таъминланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЙОДЛАНГАН ТУЗ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Нукус. Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университетида бўлиб ўтган семинар-йиғилиш Ўзбекистон Республикаси «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш мавзусига бағишланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, тегишли идоралар, ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар республикада туз ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини назорат қилиш ва соҳада давлат санитария назорати иши ҳамда кенг жамоатчилик таъсирини кучайтириш кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

БУГУНГИ СОНДА:

• ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ 2

• ШАҲАРЛАР БОҚИЙДИР, УМР ЎТКИНЧИ... 3



• ҚАЙНОҚ ҚАЛБАН, САБР-БАРДОШЛИ «Жасорат» медали соҳиби, 1-гуруҳ ногирони Чори Нодировнинг матонати ҳақида 4

INTER PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

✓ ЎзХДП: устувор вазифалар

СИЁСИЙ КУЧНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Партия аъзолари ва электорат орасида биз шакллантираётган демократия моҳиятини тарғиб қилиш ҳамда уларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан онгли, масъулият билан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишга кўмаклашиш талаб этилади.

Шу муносабат билан ЎзХДП қўйи бўғинлари фаолиятини туман ва шаҳар партия кенгашлари томонидан бошқариш механизмини кўриб чиқиш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Бунинг учун ЎзХДП кенгашлари олдига бошланғич бўғинлар ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, уларни ички партиявий ишлардан электорат орасида ишлашга йўналтириш вазифаси қўйилди. Қабул қилинаётган қонунлар, мамлакатимиз Президентининг ижтимоий йўналтирилган фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини электоратга етказиш, аввало, партия қўйи бўғинидан бошланиши лозим. Бу билан уларнинг ижтимоий фаоллиги ошишига, сиёсий онги ўсишига эришиш мумкин.

Семинарнинг иккинчи қисмида Ўзбекистон ХДП кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ҳамда матбуот нашрлари мафкуравий ишларини кучайтириш ва самарадорлигини оширишнинг устувор вазифалари муҳокама этилди. ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева ўз маърузасида бу йўналишда олдимизга янги вазифалар, талаблар қўйилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини оширишга доир қабул қилинган Конституциявий қонун партиянинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таклиф этаётган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсирини кучайтириш, тарафдорларини кўпайтиришни талаб этмоқда. Бу эса, аввало, партия мафкуравий ишларининг таъсирчанлиги, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқ.

Бу борада замонавий усуллар, ўзини оқлаган сиёсий технологиялардан оқилона фойдаланиш, партия матбуотини электоратнинг ҳақиқий минбари ва ҳимоячисига айлантириш бўйича етарли иш олиб борилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Вақоланки, бу йўналишдаги ишларга энг долзарб масала сифатида қараш эртага электорат қўллаб-қувватлашига эришишнинг гаровидир.

Семинар-кенгаш иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, мавзунинг алоҳида йўналишларини интерфаол шаклда муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати Абдивоси ҲАЙДАРОВ, олган суратлар.

Ҳамро ЭРМАТОВ, ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:

— Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда партия ташкилотлари ва депутатлар бирлашмалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, бу борада янги технологиялардан фойдаланиш бугуннинг талабидир. Партияни қўллаб-қувватлайдиган тарафдорларни кўпайтириш учун ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар юзасидан ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан олиб борилаётган жамоатчилик мониторинги самарадорлигини ошириш, бу ишда партия фаоллари масъулиятини кучайтириш зарур. Шу билан бирга, ёшларнинг интилишларини доимий ўрганиш, улар жамиятнинг муҳим аъзоси эканликларини намоён этишига кўмаклашиш, шунингдек, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви шароитида уларда айрим носоғлом мақсадларга қарши курашиш кўникмаларини тарбиялаш узлуксиз жараён эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Шерали УМАРОВ, ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси:

— Сир эмас, партиянинг қай даражада ташаббускор ва фаол экани унинг электорати орасида олиб бораётган иши билан белгиланади. Бошланғич ташкилотлар бу ишларни амалга оширадиган асосий таянчдир. Аммо, бунга етарлича эътибор бермаганимиз учун айрим БПТ раислари партияга қабул қилиш-у, аъзолик бадалини йиғишдан бошқани билмайди. Масалан, Навоий вилоятида 480 тага яқин бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Уларнинг ҳаммасини ҳам бирдек фаол дея олмайман. Биринчи навбатда, партия аъзолари ва электоратининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий билимларини ошириш, партия ҳаёти ҳақида янада кўпроқ маълумотларни етказиб туриш БПТда мунтазам йўлга қўйилиши керак.

Зиёдахон АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Бошланғич ташкилотлар фаолияти бизни қониқтирмайди. Аммо намунали ишлаётганлари ҳам борлигини айтиш жоиз. Ана шу ташкилотлар ва уларнинг раислари ишини, тажрибасини ўрганиш, оммалаштириш зарур. Шунда биз партиямизнинг электоратга таъсир ўтказиш механизмини янада такомиллаштирган бўламиз.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

аҳоли иш ҳақи ва даромадларининг ўсиши суръатида яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодиётда номинал иш ҳақи даражасининг ошиши — аҳоли турмуш фаровонлигини юксалишида муҳим кўрсаткич — реал иш ҳақи ҳисобланади. Айни шу нуқтаи назардан реал иш ҳақининг ошиши — иқтисодиётнинг қай суръатларда ривожланаётганини, мамлакатда молиявий аҳвол нечоғли мустаҳкамланаётганини ва мутаносиб монетар сиёсат қандай таъминланаётганини намоён этгувчи ўзига хос кўзгудир.

Дарвоқе, республикамизда иш ҳақининг ҳар бир ошишида унинг реал (урғу бериб айтамиз — реал!) ўсишини таъминлаш алоҳида инобатга олинади. Соддароқ айтганда, иш ҳақининг реал ўсиши — таъминотни инфляция даражаси билан узвий боғлашга, ички бозорни харидоргир, сифатли маҳсулотлар билан тўйинишига устуворлик берилади. Мамлакатимизда худди шу тамойилга қатъий риоя этилаётганлиги натижаларини статистика маълумотлари ва социологик тадқиқотларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2006 йилнинг охирида ўртача реал ойлик иш ҳақи 185 минг сўмни ёки салкам 150 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу — 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса ўртача 12 баробар ошди. 2007 йилда у 200 доллар даражасига етди.

— Сўнгги йилларда, — дейди республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи, Тошкент молия институтининг профессори Қосим Яҳёев, — республикамизда аҳоли даромадлари шаклланишидаги яна бир ижобий томон шундаки, 2002 йилдан бошлаб, фуқароларнинг пул даромадларига нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръати юқори бўлмоқда. Масалан, мен 2006 йилда пенсияга чиққанман. Ўша йили бу ўсиш мос равишда 132,6 ва 141,3 фоизни ташкил этганди. Яна бир омил — реал иш ҳақининг ўсишига ижтимоий тўлов ставкасининг тўхтовсиз пасайтириб борилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мен пенсияга чиққан йили республикамизда унинг даражаси 2002 йилга нисбатан 15 (40 фоиздан 25) фоизга пасайган эди. Ҳозир у яна (24 фоизга) пастлашди. Буларнинг ҳаммаси давлатимизнинг иш ҳақи сиёсати келажакда унинг реал даражасини ўстириб бориш билан бирга аҳоли пул даромадлари улушини узлуксиз ошириб боришга қаратилаётганини исботлаб турибди...

Кекса иқтисодчи айтганидек, яқин истиқлолда аҳолининг пул даромадлари таркибидаги ижобий ўзгаришларга кўра ундаги иш ҳақи улуши 60-65 фоизга етиши кўзда тутилган. Бу, шубҳасиз, аҳоли турмуш фаровонлигини ўстириб боришда иш ҳақи асосий молиявий манбага айланиб боришини англатади. Давлатимиз раҳбари мазкур масалага изчил устувор аҳамият бераётганлиги боиси ҳам шунда. Зотан, мазкур вазифанинг муваффақиятли ечими мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

— Президентимиз иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмларининг истиқболда янада ортиб бориши фуқароларни рағбатлантиришга хизмат қилишини назарда тутиб, — дейди Тошкент дипломатия университетининг халқаро иқтисодиёт факультети талабаси Барно Матёқубова, — иқтисодий имкониятларни эътиборга олган ҳолда, ўртача иш ҳақини 2010 йилга бориб 2,5 баробар ошириш вазифасини қўйган. Чунки, иш ҳақини муттасил ошириб бориш — аҳолининг истеъмол талаби ўсишида муҳим восита. Табиийки, шунга мос ҳолда мамлакатимизда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига тўланадиган тўловлар миқдори ҳам ўсиб бормоқда. Бу гал 16 ноябрдан бошлаб уларнинг ўрта ҳисобда 1,12 баробар оширилиши, жумладан, биз талабалар учун ҳам жуда катта ғамхўрликдир...

Икки суҳбатдошимиз айтганидек, истиқлол йилларида аҳолининг ўртача иш ҳақи миқдори, ихтисосликлар бўйича (ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари меҳнатига) берилаётган устама ва қўшимча ҳақ, пенсия ва нафақалар фоизи, компенсация пули, энг кам иш ҳақи даражаси пировардида, реал даромаднинг изчил, босқичма-босқич ошишига хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳукуматимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, халқимиз турмуш даражасини муттасил ошириб бориш ҳамда фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш йўлида энг муҳим кўрсаткич — аҳоли иш ҳақи ва даромадларининг ўсиш суръатини таъминлаш саъй-ҳаракатини қилди ва ўн етти йилдирки, унинг ижросига ҳам муҳим стратегик вазифа сифатида қараб келмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **«Биз ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар оширишни ўз олдимизга муҳим стратегик вазифа қилиб қўйганмиз. Шу тариқа, аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, биз яқин йиллар ичида халқ фаровонлиги ва даромадларини таъминлаш бўйича юксак марраларга эришаётган мамлакатлар даражасига кўтарилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз».**

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

✓ ЎзХДП ҳаёти

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Жамиятнинг маънавий янгиланишида маҳалланинг ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда туман жамоатчилиги вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва фаоллар иштирок этдилар.

ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

Нигора Эшметова, ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси:

— Туманимизда жами 58 та маҳалла бўлиб, уларнинг 54 тасида бошланғич партия ташкилотлари бор. Бошланғич ташкилотлар раислари, маҳалла оқсоқоллари, диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилар ҳамкорликда фаолият кўрсатишади. Аммо биз ҳали олдимизда турган муҳим вазифаларни амалга ошириш борасида имконият даражасида ишлаётганимиз йўқ. Маҳалла ўсиб келаётган авлод маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, миллий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб авайлайдиган ва ривожлантирадиган маскандир. Биз эса ўзини ўзи бошқариш органининг бу имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак.

Баҳодир Юнусов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар минтақавий Ахборот-таҳлил маркази катта илмий ходими:

— Маҳалла ҳаёти халқ маънавиятининг кўзгуси. Ҳамжиҳатликда яшаш, бир-бирига ўзаро беминнат ёрдам, меҳр-оқибат кўрсатиш, адолатлилик, жамиятни бошқаришнинг демократик тамойиллари шу ерда ойдин намоён бўлади. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини бўлган мазкур тузилманинг ваколатлари ва фаолиятининг мустаҳкам қонуний асослари яратилган. Бу эса ўзини ўзи бошқаришнинг бетакрор шакли бўлган бу тизим ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ бажариши учун замин бўлиб хизмат қилади. Бугун биз муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир арафасида турибмиз. Оқсоқол (раис) ва унинг маслаҳатчисини сайлаш юзасидан ўзига хос тажрибага эга бўлган халқимиз бу йилги сайловларни ҳам юқори савияда ўтказиши аниқ.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзунинг долзарб жиҳатлари ҳақида тўхталдилар, иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Гулгун СУЛТОНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳужжат Ташкилот доирасида шаклланган яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришни назарда тутади. Келишмовчиликларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ҳамда нормаларига, ШҲТ Хартиясига амал қилиб тинчлик йўли билан ҳал қилиш ғояларини илгари суради. Аҳдлашувчи Томоннинг хавфсизлигига таҳдид солувчи вазият юзага келганда эса, қарши ва ўзаро мувофиқ ҳаракат қилиш учун бошқа Аҳдлашувчи Томонлар билан Ташкилот доирасида маслаҳатлашувлар ўтказиш, ШҲТ доирасида халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилиш шартлари белгиланган. Глобал ва минтақавий барқарорликни таъминлаш, куроллар устидан халқаро назорат жараёнини юритиш, оммавий қирғин қуроли ва уни етказиш воситаларини тарқатишнинг олдини олиш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар юзасидан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш мақсад қилиб қўйилган.

Фракция, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Шавкат Каримов маъруза қилди.

Ўзбекистонда мажбурий техник талабларни ўрнатувчи жуда кўплаб ҳужжатлар амал қилади. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқиш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи савдо муносабатларида маълум техник тўсиқлар туғдиради. Техник тартибга солишнинг халқаро тизимига ўтиш учун унинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарур. Юқоридаги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу мақсадга хизмат қилади.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

✓ Ҳуқуқий ислоҳот

ИНСОН МАНФААТИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллик — Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини барпо этиш ва миллий ўзлигини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг муқаддимаси бўлди. Айнан шундан бошлаб, мамлакатимиз ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат сари дадил қадам ташлай бошлади. Мустақил мамлакатимиз тараққиётининг дастлабки босқичида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олинди ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. Айни пайтда юртимизда фуқаролик жамияти қарор топмоқда. Инсон ва унинг манфаатлари асосий қадрият ҳамда устувор омил сифатида эътироф этилаётир.

Мустақиллик йилларида судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жиноят процессуал қонунчилигимизда ҳам ўзгача шакл, янги мазмун ва атамаларни олиб кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритилган ўзгартиришлар натижасида жиноятлар таркибининг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Жиноий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими қайта кўриб чиқилиб, уларга жазо тайинлашда бир қатор енгилликлар берилди. Жиноий ишларни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилди, тергов қилиш ва судда кўриш муддатлари қисқартирилди.

Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг кучга киргани жорий йилнинг муҳим воқеаларидандир.

Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш ва бунинг учун адвокатура мавқеини кўтаришга қаратилган Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Адвокатуранинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитларида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги тутган ўрнидан келиб чиқиб, мазкур институтнинг ислоҳ қилиниши суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси сифатида эътироф этилмоқда. Бу Фармон фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллигининг кафолатларини кучайтириш ва ушбу касбнинг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган навбатдаги муҳим қадам ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ прокуратура органлари тизимида ҳам жиддий ислоҳотлар бошлашга зарурат туғилди. Юртбошимизнинг ғоялари ва ташаббуслари билан 1992 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида»ги Фармонига асосан, Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилди. Дастлаб, 1992 йилда, кейинчалик 2001 йилда замонга ҳамнафас рухда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг аҳамиятга молик томони шундаки, прокурор назорати фаолиятидан фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат қилиш функцияси чиқарилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокурорларнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилди.

Амалда ҳам прокуратура илгариги замондаги "қораловчи" эмас, балки инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи идорага айланди. Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўлароқ ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқи, ислоҳотлар боис, қадрияття айланди.

Муҳиддин ҚИЁМОВ, Сурхондарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

КООПЕРАЦИЯ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

кимё, фармацевтика, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, матбаа, транспорт ва транспорт машинасозлиги ҳамда иқтисодиётимизнинг бошқа жабҳаларидир.

Стендларнинг бирида «Наманганмаш» масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулотлари — жўмрак, лўкидон, мембрана ва клапанлар, шунингдек, конвейер роликлари намойиш этилмоқда. Завод ҳар йили 2 миллиард сўмликдан ортиқ ана шундай маҳсулот ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотнинг қарийб 40 фоизи асосан Беларусь, Қозоғистон, Россия, Украина каби МДҲ давлатларига экспорт қилинади. Мамлакатимиз истеъмолчилари орасида «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати, республикамизнинг бошқа йирик компания ҳамда корхоналари бор.

— Ярмарка ва биржа жуда яхши ташкил этилган, — деди «Наманганмаш» масъулияти чекланган жамияти маркетинг ва сотиш бўлими бошлиғи Илҳом Убайдуллаев. — Унда иштирок этиш бизга бир неча кун ичида заводнинг келгуси йил давомида ишлаши учун зарур хомашё ва материаллар харид қилиш, шунингдек, маҳсулотларимизни сотиш учун шартномалар тузиш, янги ҳамкорлар топиш имконини беради. Бу эса ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Урганчдаги «Мини-аккумулятор» масъулияти чекланган жамияти директори Арслон Қаландаров ҳам корхонасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар истеъмолчилари доирасини кенгайтириш ниятида ярмаркага келган. У раҳбарлик қилаётган корхона аккумулятор моноблокларини ишлаб чиқаради ва «Ташаббус-2000» республика танловининг «Энг яхши тадбиркор» номинацияси ғолиби ҳисобланади. Унинг фикрича, бундай иқтисодий тадбирларнинг ўтказилиши ишбилармонлик муносабатларининг янги даражасига чиқиш, мавжуд муносабатларни мустаҳкамлаш ва янгиларини ўрнатиш имконини беради.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси 1 ноябргача давом этади. Унинг доирасида бўлиб ўтадиган соҳалар ва корхоналарнинг тақдимот маросимларида, иштирокчилар ҳамда бу ерга ташриф буюрганлар уларнинг техник ва технологик имкониятлари билан танишиб, тажриба алмашадилар. Бу эса хўжалик юритувчиларга янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун мавжуд кооперация алоқаларини кенгайтириш, янгиларини ўрнатиш, зарур хомашё, материал ва бутловчи қисмларни сотиш ёки харид қилиш бўйича — қўшимча тендерлар ўтказмасдан — тўғридан-тўғри шартномалар тузишга шароит яратади.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси шу тариқа саноатни ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида ички тармоқ ва тармоқлараро кооперация вазифаларини ҳал этган ҳолда, мамлакатимиз ички бозорида узоқ муддатли хўжалик юритиш муносабатларини шакллантириш ҳамда кенгайтиришга ёрдам беради.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов сўзга чиқди.

А.ИВАНОВА, ЎзА мухбири А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

✓ Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

ШАҲАРЛАР БОҚИЙДИР, УМР ЎТКИНЧИ...

Озар фарзанди, ўзбек шоири Мақсуд Шайхзоданинг машҳур «Тошкентнома» достонини бошлаб берган бу залворли мисра, мана ярим асрдирки, шеърият кошонасида енгилмас шер наърасидай жаранглаб турибди. Аслида, шундай ҳикматли мисралар дурдай тизилган бу достонни таниқли шоир, моҳир таржимон, атоқли адабиётшунос, зукко муаррих ва меҳрибон педагог сифатида шарафланган сўз санъаткорининг ҳаёт-ижод йўли, умр мазмуни ифодаси дейишимиз мумкин.

Мақсуд Шайхзода 1908 йил 25 октябрь (7 ноябрь)да Озарбойжон Республикасининг Ганжа вилоятидаги Оқтош шаҳрида туғилди. Бокудаги дорилмуаллиминни тугатгандан кейин ўқитувчилик қилди. 1927 йилда уни ҳам ўша даврда кенг қўлланилган айблов билан ҳибсга олишди ва туғилган юртидан чиқариб юборишди. Шу тариқа у 1928 йил февралида Тошкентга келди. Ўрта Осиё университетининг Шарқ факультетида бир муддат ўқигандан кейин газета-журнал таҳририятларида ишлади ва ижод билан шуғуллана бошлади. 1932 йилда илк шеърий китоби чикди ва кетма-кет бошқа шеърий тўпламлари ҳам босилди. Достонда таъкидлангандай:

Йигитча эдим мен ҳаваскор, содда,
Бўлдим оқибатда шоир Шайхзода.

Достонда шоир устозлари номини ва тошкентликлар меҳрини самимият билан мисраларга кўчиради.

Бу ерда туғилган Ғафур ва Ойбек,
Умримнинг бошланғич мавсумларида
Мени ардоқлашди қучиб оғадек,
Инилик кўрсатдим таъзимларимда.
Бири — шеъриятнинг ўтли юраги,
Бири — наср уйининг баланд тираги.
Очдилар уй билан қалб эшикларин,
Аямай ўгит ва мезбонликларин.

1933 йилда Мақсуд Шайхзода Боку педагогика институтига бориб, барча курслар учун белгиланган имтиҳонларини бирданига топширди ва аспирантурага қабул қилинди. Тошкентга қайтиб, тил ва адабиёт институтида илмий ходим сифатида фаолиятини давом эттирди. 1938 йилдан умрининг охиригача ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўзбек адабиёти тарихидан дарс берди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Мақсуд Шайхзода ватанпарварлик руҳидаги қатор шеър-достонлар, публицистик мақолалар ва «Жалолиддин Мангуберди» трагедиясини ёзди.

Урушдан кейин бошланган қатағон даврида шоир иккинчи марта ҳибсга олинди ва 1952 йилда 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Шоир «Сургунда қон ютган йилларни айтиб», изғиринли кунда биргина «Тошкент» сўзи томирига илиқлик бахш этганини ёзади.

На қуёш бор эди, на кундан асар,
Изғирин... Нафасдан гўё муз ўсар...
Шу тоб,
Ногоҳ эшитилди соғинчли хитоб:
«Оҳ, Тошкент, Тошкент!»
Бу сўз қуёш юртин келтирди эсга,
Хаёлда уфқлар жонланар ўзга.
Десамки бу номдан томиримизга,
Бир оз иссиқ сингди, ишонинг сўзга.

1954 йилда оқланган шоир ўзи туғилган Озарбойжонга эмас, ўзини улғайтирган Тошкент, Ўзбекистон сари йўлга тушди.

Умрида ким келса бир бор бу ерга,
Қалбига экади Тошкентнинг меҳрин.
Дейдилар: Тошкентда сув ичган чумчуқ,
Қайтиб келар экан Макатуллодан
Юзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам очиқ,
Табаррук тупроғи зару тиллодан.

Ҳа, энди шоир Тошкентга бўлган меҳрини достонга кўчирмаслиги мумкин эмас эди. «Кечикиб ёзганим кечиргин, ўрток!» дея меҳрини тезроқ ифода этиш мақсадида, чопағон назмда қалам тебратди.

Бу ерда турганлар ёки кўрганлар
Ёки кўрайин деб истаб турганлар,
Ёки Тошкентимнинг шаклин сўрганлар,
Нақшини дилида олиб юрганлар,
Сизга бу таронам — куйим армуғон,
Наср — оғир қадам, назм — чопағон.

Катта ҳаёт ва ижод тажрибасига эга шоир Низомий, Навоий, Фузулий, Руставели, Шекспир, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Нозим Ҳикмат каби буюк сўз усталарига бағишлаб мақолалар ёзди ёки уларнинг асарларини ўзбекчага ўгирди. У Тошкент ҳақида достон бошлаганда буюклар руҳи қўллаб-қувватлади, сўзлар мисоли селдай қуюлиб келди.

Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи,
Дарёлар собитдир, сувлар кўчкинчи.

Баъзан Тошкент тарихига ақл кўзи билан назар ташлаб, ўйга толди.

Эҳ-ҳей, менинг шаҳримнинг
кўҳна қиссасин,
Қиссасинки, минг йиллар қаърига чўмган,
Ер қатларида қотган сир-ҳодисасин,
Ҳодисаки, вақт уни тупроққа кўмган, —
Кимлар айта олади? Борми гувоҳлар?
Ахир, минг йил яшамас қушлар, гиёҳлар!
Тушди не-не заҳматлар бу ер, бу элга,
Балки тошлар айтарди, кирсайди тилга!

Шоирнинг «сарғайган қўлёзмаларни» варақлагани шаҳар тарихини кўз олдида гавдалантиради. Маълумки, қадимий «Авесто» китобида Сирдарё ҳавзасидаги мамлакат «Турон», аҳолиси «тур»лар деб юритилган. Мақсуд Шайхзода бу тарихий маълумотдан ажойиб тарзда фойдаланган.

Баракалла боболар фаросатига,
Разм солиб топганлар шаҳар нуқтасин!
Кўчиб-кўчиб етганда Чирчиқ сатҳига
«Тур!» деб тортиб қўйганлар отнинг
нўхтасин.
Тупроқ — семиз, сув — яқин, ҳавоси очиқ,
Қуёш эса йил бўйи бу ерга ошиқ.

Тарихчи-географ Истаҳрий (850 — 934)нинг «Китоб ал масолик вал мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар тўғрисида китоб»), X асрдаги исми-шарифи номаълум муаллифнинг «Ҳудуд ул-Олам» («Оламнинг чегаралари») ва бошқа тарихий китобларда Боч — Шош — Бинкат ўрни, халқининг яшаш тарзи, гавжум бозорлари, ўқ-ёйлари таърифланган. Бу маълумотлар ҳам шеърий мисраларга айланади.

Исодан, Искандардан, Кайковуслардан
Илгарироқ бу ерда бозорлар бўлган.
Тақачилар сув ичган кўк ҳовузлардан,
Айвонларин ойнасоз ойнабанд қилган.
«Шош камони» таърифи мерганлар аро
Эрон билан Туронда бўлган овоза.

«Тошкент» номи даставвал XI асрнинг алломалари — Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асарларида учрайди. Шу боис шоир ҳар гал Беруний (ҳозирги Бешёғоч) майдонидан ўтганда ўйга толади.

Мен Беруний майдонидан кўп ўтдим ёлғиз,
Ўтиб бўлмас у ердан ўйсиз, хаёлсиз.

Ўйга чўмган шоир, балки мард Тошкент аҳлини, бошидан кечирган қирғин-барот урушларини кўз олдига келтиргандир.

Шош аҳли баҳодир бўлса-да, асти
Бировлар шаҳрида бўлмаган қасди.
Гоҳо олисдаги амирлар, хонлар,
Ишратга ўлармон, нафси ёмонлар
Хун дея, қул дея, пул дея босди,
Талон-тарож қилди, зўрлади, осди.
Гоҳо ёт ерлардан «мен-мен»чи шоҳлар,
Лашкар тортиб келди дағдаға бирла.
Тилингдан, элингдан кеч, деб буюрди,
Тиз чўкмай «йўқ» деди ботирлар юрти.
Эл-элат қўзғалиб золимни қувди...

Шунда шоир хаёлида ярқ этиб ҳаёт ҳақиқати чарақлайди.

Рассом бўлсам солиб қўйиб
унинг азим расмини,
«Ўзбек халқи — ўзига бек!»
деб қўярдим исмини.

Ўзига бек халқ ҳамиша тинчлик тарафдори бўлган, яратувчанлик билан шуғулланишни истаган.

«Тинчлик» сўзи ўзбекнинг айни
Тупроғида туғилган маъни.
Бу — ёқимли, сероҳанг бир сўз,
Ҳаёт — булоқ, тинчлик — унга кўз.
Боғбонларнинг еридир Тошкент,
Боғбонларга тинчлик керак-ку!

Ҳа, шоир Ўзбекистон деганда тилидан бол томади, Тошкент деганда бийрон бўлиб кетади.

Тошкент ўлкага умуртқа суяк,
Ўзбекистон — тан, Тошкент-чи — юрак.
Шарқнинг улуғвор ишхонаси у,
Нур деразали кошонаси у.

Хуллас, «Тошкентга ихлосманд (шоир)нинг тугамас ҳикояси».

Тошкентда уч фасл ёз,
Баҳор — шошган ички ёз,
Ёз — катта ва асл ёз,
Куз — кечиккан, кечки ёз...

Биз «Тошкентнома» достонини шоирнинг умр мазмуни деб бежиз таърифламадик. Шоир достонда кейинги ёзиладиган асарлари ҳақида ҳам фикр юритган. У Ватан чегараси «шаҳид Улуғбекнинг мақбарасигача» деб ёзганда, хаёлида «Мирзо Улуғбек» трагедияси турган бўлса ажабмас. Ёки «Алишернинг номидаги кутубхона шуҳрати, Навоий ва китоб сўзи бор ҳар жойда юради» деб ёзганида, тасаввурида Алишер Навоий ҳақидаги бўлғуси илмий-таҳлилий мақолаларини жамлагандир.

Албатта, бундан эллик йил илгари ёзилган «Тошкентнома» достонида давр соя солган мисралар ҳам бор. Икки марта асоссиз ҳибсга олинган Мақсуд Шайхзода достонининг дунё юзини кўриши учун ҳам замонасоз мисраларни қўшгандир.

Шуниси муҳимки, шоир келажак авлодлар эътирозини англагандай дил дардини достонида баён этади.

«Эллик йилда эл ўзгарар» деган
гап бор ўзбекда,
Шу қирқ йилда янгиланиб қолди
одам ва тупроқ.
Кел, ҳамшаҳрим, олға томон,
биз турмайлик бир четда,
Шаҳримизнинг ўтмишидан
келаси куни кўпроқ.

Кейин шоир хаёл тизгинини қўйиб юборади, барча хавотир ва ташвишларни унутиб жонидан ҳам ортиқ севган Тошкентимизнинг ёрқин келажагини яққол кўра бошлайди:

Биламанки, кеча билан бугун
пайванд туташган,
Кеча билан эртанги кун бугун
важи қариндош.
Бу кечаги Тошкент, аммо эмас,
кечаги Тошкент,
Кеча билан бугун ёру,
аммо эмас ўриндош.
Жин кўчалар, эгри-бугри
маҳаллалар ўрнини
Замонага уйғун
янги иморатлар эгаллар.
Шу яғринли кенг шаҳарнинг
ўзига боп тўнини,
Ўзбекнинг ўз услубида
меъморчилар тикарлар.

Шоир орзулари рўёбга чиқди. Бугун Ўзбекистонимиз мустақил давлат, Тошкентимиз унинг азим пойтахти, қадим шаҳримизнинг ўзига боп тўни ўзбекнинг ўз услубида моҳир меъмор томонидан тикилди, тикиляпти. «Тошкентнома»да таъкидлангандек, ўзбекнинг энг кўркам, энг обод шаҳрига айланиб бораяпти, дунёнинг азим пойтахтлари билан бўйлашаяпти.

Мақсуд Шайхзода 1967 йил 19 февралда Тошкентда вафот этди. Шоирдан умрбоқий адабий мерос қолди. Шукурки, улар орасида «Тошкентнома» достони ҳам бор.

Марҳумларнинг хотираси, тирик васият,
Ўтган кунлар, бугунги иш, эртанги ният...
Лекин билдим ва англадим ўйларга толиб:
Ёмонликлар ўткинчидир, яхшилик қолиб.

Яхши ният билан ўзбек шеъриятининг тўққиз вазнида битилган ўн саккиз бобдан иборат «Тошкентнома» достони адабиётсевар халқимиз қалбидан ўрин эгаллади. Ҳали-ҳануз давраларда достондаги ҳикматли мисралар тез-тез такрорланиб туради.

Дарҳақиқат, «Тошкентнома» таърифига битилган мақолалар оз эмас ва бундан кейин ҳам ёзилаверади. Ватанимиз пойтахти — Тошкентнинг 2200 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда бу достон янада севиб ўқилади ва тадқиқ этилади. Эл наздидаги достоннинг муваффақияти ҳам ана шунда.

Асрор МЎМИН

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«УЙЧИ НЕФТБАЗА» УНИТАР КОРХОНАСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1	Наманган вилоят, Уйчи тумани, Қизилровот қишлоғидаги минерал ўғитлар омборини «Уйчи нефтбаза»сининг гаражига мослаштириб қайта қуриш.	604 850 800	2009 йил 30 июль

Буюртмачи: «Уйчи нефтбаза» унитар корхонаси

Телефон: 8 (369) 226-38-96

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзнефтмаҳсулот» АК ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий, техникавий малака ва молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: ***Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават),*** иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Туркиёт кафедраси, профессор, 1 ўрин.
2. Мумтоз филология кафедраси, профессор, 1 ўрин.
3. Фалсафа кафедраси, доцент, 1 ўрин.
4. Менежмент ва маркетинг кафедраси, профессор, 1 ўрин.
5. Жанубий Осиё тиллари кафедраси, доцент, 1 ўрин.
6. МДҲ иқтисоди ва мамлакатшунослиги кафедраси, доцент, 1 ўрин; катта ўқитувчи, 1 ўрин.
7. Хитой филологияси кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
8. Педагогика ва тиллар кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
9. Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
10. Математика ва информатика кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
11. Араб филологияси кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин.
12. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
13. Марказий Осиё мамлакатлари тарихи кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
14. Роман тиллари кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин.
15. Халқаро муносабатлар кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.
16. Араб тили кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.
17. Герман тиллари кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.
Тел: 233-45-21, 233-44-36.

ЛИТВА: СЕЙМГА САЙЛОВЛАР

Литвадаги парламент сайловларининг иккинчи босқичида «Союз отечества — Христианские демократи» консерватив мухолифат партияси олдинда бормоқда. Дастлабки маълумотларга мувофиқ «Союз отечества» 68 сайлов участкасидан 45 тасидаги овозлар ҳисоб-китоблари якуни бўйича Литва сеймидаги 44 ўринга эга бўлган. Иккинчи ўринда бораётган, ҳукмрон коалицияга кирувчи Социал-демократик партия эса 25 ўринни олган.

Иккинчи босқич натижаларини шарҳлаган «Союз отечества» вакиллари партиянинг парламентда ҳукмрон коалицияни тузиш бўйича музокараларни бошлаб юборишга тайёрлигини билдиришган. Маълумки, 13 октябрь куни Сеймга ўтказилган сайловларнинг биринчи босқичида ҳам «Союз отечества»нинг қўли баланд келганди.

УКРАИНА: 16,5 МИЛЛИАРДЛИК КРЕДИТ

Халқаро валюта фонди Украинага 16,5 миллиард доллар миқдорида кредит ажратади. Маблағлар жаҳондаги танглик ва металл нархларининг тушиши шароитларида мамлакатдаги иқтисодий ва молиявий барқарорликни сақлаш учун берилмоқда. ХВФ ва Украина маъмурлари ўртасида эришилган битим ҳақида фонд бошлиғи Доминик Стросс-Кан маълум қилган.

— Дастур Украинани иқтисодий барқарорликка қайтаришга қаратилган, — деб таъкидлади Стросс-Кан, — Мамлакат раҳбарияти тўлов балансини тенглаштириш, республиканинг ташқи иқтисодий омиллардан қарамлигини пасайтириш, шунингдек, инфляцияни камайтиришга бел боғлаган.

«Интерфакс» хабарига кўра, Украина охирги марта ХВФдан 2001 йилда кенгайтирилган молиялаш дастури бўйича кредит олган. Украина Молия вазирлиги маълумотларига қараганда, давлатнинг ХВФ олдидаги кафолатли қарзи 2008 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, 248 миллион долларни ташкил этган.

ПЛУТОНИЙНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ МУМКИН

Токионинг Технологик университети олимлари плутоний моддасини ядро қуролини яратиб бўлмайдиган моддага айлантиришга эришди. Шу пайтгача ҳеч ким бу вазифанинг уддасидан чиқолмаган. РИА Новости хабарига кўра, тажрибалар ядро ёнилғисига махсус радиоактив модда қўшилса, зарарсиз плутоний миқдори ортишини кўрсатди. Тадқиқотлар АҚШ ва Япония ядро реакторларида ўтказилган. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЕ) япон олимлари кашфиётини юқори баҳолаб, бу плутонийдан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланишга йўл очади деб таъкидлади.

МАГАТЕ дунёда атом электр станциялари сони ортгани сайин плутонийдан ядро қуроли яратиш мақсадида фойдаланиш хавфи кучайишидан огоҳлантиради.

АҚШ: РАҚИБИГА НИСБАТАН ТАРАФДОРЛАРИ КЎП



АҚШ президентлигига Демократик партиядан номзод Барак Обаманинг Денвер шаҳридаги чиқиши салкам 100 минг кишини тўплаган, деб хабар қилади Associated Press. Бу унинг ўз кампанияси мобайнида тўплаган энг кўп тингловчилар сонидир. Обаманинг шу куннинг ўзида Форт-Коллинсдаги Колорадо давлат университетида қилган иккинчи чиқиши чоғида салкам 50 минг киши ҳозир бўлган. Республикачи номзод Жон Маккейннинг чиқишлари эса камроқ одамни тўплаган. Айова штати, Чедар Фоллз шаҳрида салкам икки минг киши, Огайо штати, Зейнсвил шаҳрида эса қарийб беш минг киши унинг нутқини тинглагани келган. Маккейн ҳар иккала чиқишида ҳам Обама ғалаба қозонгудек бўлса, мамлакатда солиқлар ошиб, давлат бюрократик аппарати кенгайиб кетишини таъкидлаган. Сўров маълумотларига кўра, Барак Обама ўз рақибига нисбатан аҳоли орасида анчайин машҳур. Агар Барак Обама сайланса, АҚШ тарихидаги биринчи қора танли президент бўлади.

«Шаҳрисабз-консерва» АЖ кредиторлари диққатига!

Қашқадарё вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан «Банкрот» деб эътироф этилган «Шаҳрисабз-консерва» АЖнинг навбатдаги кредиторлар қўмитаси ва кредиторларнинг умумий йиғилиши мажлиси 2008 йил 5 ноябрь куни 12.00 да «Шаҳрисабз-консерва» АЖнинг маъмурий биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:
1.Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.
2.Жамият акциядорлари талаби.

Барча кредиторлар ўзлари билан қарздорликни тасдиқловчи солиштирма далолатномалар ва бошқа кредитдорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан келиши шарт. 2008 йил 5 ноябрь кунига қадар кредиторлик қарзини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган кредиторлар (бир йил давомида кредиторлик талабини билдирмаган ҳисобланади), кредиторлар реестрига киритилмайди.

Қўшимча маълумот ва саволлар учун телефонлар: 8 (375) 522-60-40, 522-76-93.

✓ Спорт

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ЧЕМПИОН!

Пойтахтимиздаги «Чиғатой» футбол марказида журналистлар ўртасида футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун мини футбол бўйича ўтказилган анъанавий турнир ниҳоясига етди

Қуръага кўра, мусобақа чорак финалида «Ўзбекистон овози» номи остида майдонга чиққан таҳририятимиз ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарининг бирлашган жамоаси Миллий телерадиокомпания (МТРК) вакилларига қарши тўп сурди. Ушбу учрашув олдидан кўпчилик МТРК жамоасининг имкониятини юқори баҳолашаётганди. Чунки тўртинчи маротаба ўтказилаётган мазкур турнирда тележурналистлар қаторасига уч бор чемпионликни қўлга киритганди. Шунга қарамай, ҳамкасбларимиз рақибларига қарши муносиб ўйин намойиш этдилар. Гарчи, учрашувнинг асосий вақтида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолган бўлсада, қўшимча икки таймда ҳамкасбларимиз МТРК жамоаси дарвозасига йўл топишди — 1:0. Ғалаба тўпини Жамшид Матёқубов киритди.

Чорак финалнинг қолган уч учрашувида қуйидаги натижалар қайд этилди: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети — «Тошкент» ТВ — 3:1, «Ўзбекистон футболи» — «Хонадон» — 6:4. Финалга бериладиган йўлланмалардан бирининг тақдири «Ўзбекистон овози» — «Спорт» ТВ жамоалари учрашувида ҳал бўлди. Мазкур ўйинда ҳам асосий вақтда томонлар дуранг ўйнашди — 3:3. Қўшимча вақтда Жамшид Матёқубов томонидан киритилган тўп жамоамизга ғалаба келтирди — 4:3.

Ярим финалнинг ЎзДЖТУ — «Ўзбекистон футболи» жамоалари баҳсида ҳам ғолиб қўшимча вақтда аниқланди. Асосий вақтда 3:3 ҳисоби қайд этилган бўлса, сўнгги лаҳзаларгача ҳужумкорликни сусайтирмаган ўқитувчилар рақиблари дарвозасига яна икки тўп йўллашди — 5:3.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон овози» жамоаси ҳал қилувчи баҳсда ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети ўқитувчилар жамоаси билан куч синашди. Бу учрашувда республика олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида доимо совринфдорлар қаторидан жой олиб келаётган ЎзДЖТУ вакиллари чиройли ўйин намойиш қилишди. Ҳатто улар биринчи бўлиб ҳисобни очишди. Майдонда ҳамжиҳат ва уюшқоқлик билан ҳаракат қилган «Ўзбекистон овози» жамоаси ташаббусни ўз қўлига олиб, якунда бош совринга муносиб эканлигини исботлади — 4:2. «Ўзбекистон овози» — ЧЕМПИОН!

Учинчи ўрин учун кечган кескин баҳсда эса «Ўзбекистон футболи» вакиллари «Спорт» ТВ жамоасини 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Мусобақа якунида ғолиб жамоа — «Ўзбекистон овози» вакилларига олтин медаллар, кубок, биринчи даражали диплом, шунингдек, турнир бош ҳомийси Акбаровлар оиласи томонидан пул мукофотлари топширилди. Ғолибларга Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси пешқадами «Бунёдкор» жамоаси мураббий ва футболчилари дастхатлари туширилган тўп ҳамда эсдалик совғалари топширилганлиги ажойиб туҳфа бўлди. Бундан ташқари, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ЎзДЖТУ, «Ўзбекистон футболи» жамоалари ҳам махсус диплом, кубок, медаллар ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган пул мукофотлари билан тақдирланишди. «Спорт» ТВ мини футболчилари «Олқиш олган жамоа» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Эътиборли жиҳати, турнир якунида «Энг яхши ўйинчи», «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши тўпурар», «Энг фахрий ўйинчи» сингари ўнлаб номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Олимжон Акбаров туғилиб, вояга етган Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ҳокимлиги таъсис этган мукофотлар ҳам ғолиб ва совриндорларга топширилди.

Ҳа, бир ҳафта давом этган ўзига хос футбол байрами поёнига етди. Барча иштирокчилар ундан олам-олам таассуротлар олишди. Энг муҳими, футболимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бир инсон хотираси эъзозланди, журналистларимиз жисмонан чиниқишди, руҳлари кўтарилди, ижодий суҳбатлар бўлди. Биз мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида айрим қатнашчиларнинг фикрлари билан қизикдик.

Сайди УМИРОВ, ЎзДЖТУ кафедра мудири, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», турнирнинг «Энг фахрий ўйинчиси» номинацияси ғолиби:

— Бу мусобақада ҳар йили мунтазам қатнашиб келаман. Унда шогирдлар билан ёнма-ён тўп суриб завқ оламан. Турнир баҳона кўпдан бери кўришмаган ҳамкасблар, дўстлар билан учрашдик. Ўз навбатида бундай баҳслар кишининг кучига куч қўшади. Ижодкорлар учун ана шундай ажойиб спорт байрамини уюштириб берган ташкилотчи ва ҳомийларга катта раҳмат!

Саъдулла ҲАКИМ, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги директори:

— Мазкур мусобақани қисқача қилиб, ҳамкасб дўстлар дийдори, журналистларнинг спорт байрами, деб атаган бўлардим. Бу турнир баҳона таҳририятларимизда ўзгача кайфият ҳукмрон бўлиб бормоқда. Ходимларимиз ишдан бўш вақтларида футбол майдонларига ошиқишяпти. Мунтазам спорт билан шуғулланиш эса нафақат киши кайфиятини кўтаради, балки руҳан тетик қилиб, иш унумини ҳам оширади. Дастлабки уч турнирда жамоамиз бирор марта ғалаба қозонмаганди. Мана бу галги мусобақада «Халқ сўзи», «Жамият» газеталарида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиздан устун келдик. Демак, ижодий жамоамизда чинакам спортча кайфият ошиб бормоқда.

Шуҳрат ЖАББОРОВ, «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири ўринбосари:

— Ижодкорлар учун бундай мусобақаларда муҳими, ғалаба қозониш эмас, балки иштирок этишдир. Чунки бир жойда узоқ ўтириб меҳнат қиладиган ҳамкасбларимиз учун жисмоний тарбия ва спорт кони фойда. Мана тўрт йилдирки, мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу турнир ҳамкасбларимиз учун ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучга айланган. Улар ҳар йилнинг кузини орзиқиб кутишмоқда. Бу турнир телевидение, радио, газета, журнал ҳамда нашриётлар таҳририятларига соғлом турмуш тарзини олиб кираётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Яшил майдонда тўп суриб, янги дўстлар орттириш, ҳамкасблар билан фикр алмашишга нима етсин.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *мусобақадан лавҳалар.*

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

✓ Орамиздаги одамлар

ҚАЙНОҚ ҚАЛБЛИ, САБР-БАРДОШЛИ

«Жасорат» медали соҳиби, 1-гуруҳ ногирони Чори Нодировнинг матонати ҳақида

Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан бир гуруҳ юртдошларимиз қатори олтинсойлик Чори Нодиров ҳам «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Тақдир тақозоси билан у 2000 йилда икки қўлидан ажралади. Аччиқ қисмат уни довдиратиб қўймади. Изланди, интилди, ҳаётга муносабати янада ўзгарди. Одамларга кераклигини теран ҳис қилиб, ўз касбини ўзгартирди. Айни кунларда у маиший хизмат кўрсатиш шохобчасида меҳнат қилмоқда. Замонавий компьютерларни ўзлаштирган. Ҳужжатлардан нусха кўчириш, телекоммуникация хизмати, хуллас, кўпчиликка фойдаси тегяпти.

— Илгари Олтинсой туман телекоммуникация боғланмасида оператор бўлиб ишлардим, — дейди Чори Нодиров. — Эҳтиётсизлик оқибатида кучли электр токидан зарарландим. Шифокорлар икки қўлимни тирсагидан кесишди. Ҳаёт кураштан иборат экан. Ака-ука, қариндошларнинг кўмагида маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини қурдик. Худога шукр, бугун бари рисоладагидек. Оила — бахтим, икки нафар фарзандим ҳаётим зийнати.

— Ҳар биримиз аввало, шундай мўътабар юртда яшаётганимизга шукр қилишимиз лозим, — дейди Қорлиқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исомиддин Қодиров. — Эрталаб уйқудан уйғонганда одам яхши ният қилиши керак. Улуғ мақсадларни кўзлаган кам бўлмайди. Чори Нодиров ҳам қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб ўтди. Ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилиги билан кўпчиликка ўрнак.

Чори Нодиров тимсолида яшашга иштиёқ, курашувчанлик уфуриб турибди. Ўзбекона лутф, соддадиллик билан бирга мулоҳазалари теран. Митти ватани — оиласи фаровон. Ўн беш сотиҳча томорқадан яхшигина даромад келмоқда. Чорваси ҳам бор. Ҳар бири 130-140 кило тош босадиган бўрдоқилар парваришда. Сут-қатиқ сероб. Паррандачилиги ҳам кони фойда — ҳам гўшт, ҳам тухум беради. Бир йигитнинг шижоати, рўзғорнинг ободлиги шунча бўлар-да!

— У киши ниҳоятда сабр-бардошли ва матонатли. Шунча оғир кунларни бошидан кечирса-да, бирор марта нолимади. Айримларга ўхшаб дардга енгилмади, аксинча, бизни ҳам руҳлантирди. Ҳалол меҳнат билангина инсон бахтли бўлишини такрорлашдан чарчамади. Мана, бугун меҳнатимиз роҳатини кўраяпмиз.

— «Жасорат» медали билан тақдирланганимни эшитиб, кўзларимга севинч ёшлари келди, — дейди Чори Нодиров. — Инсон хурсандчилигини сўз билан ифодалаши мушкул экан. Буни фақат ҳис қилиш, юракдан ўтказиш мумкин. Касбдошлар, ёр-биродарларнинг қутловидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Мен кўпчиликдан меҳр кўрдим, мурувват кўрдим. Энг аввало, жигаргўшаларимга, оиламга, кўни-қўшниларга минг раҳмат. Энди ўзим ҳам қўлимдан келгунича одамларга кўмаклашяпман.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Мутахассис маслаҳати

ДАРД КЎРМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ўлкамизда олтин куз. Одатда табиатда фасллар ўзгариш даврида баъзи одамларнинг организми ҳар хил касалликларга мойил бўлади. Маълумки, тумов юқори нафас йўлларининг яллиғланиши билан боғлиқ бўлган хасталикдир. Тумов бўлган кишининг дастлаб акса уриши, томоқ қирилиши, бурун оқиши, бош лўқиллаб оғриши, гоҳо кўз мижжалари оғриши, қош эгарида оғриқ бўлиши ҳам қузатилиши мумкин. Шу жумладан, грипп ҳам кишининг мадори қуриб, ҳолсизланади, иштаҳа йўқолиб, уйқу қочиши ҳоллари ҳам юз беради. Шамоллашнинг дастлабки белгиларидаёқ беморни ҳолироқ хонага ётқизиб, яхшилаб ўраб қўйиш ва зудлик билан шифокор чақириш лозим. Фақат мутахассис беморни атрофлича текшириб чиққанидан кейин муолажа белгилаши мумкин. У шамоллаган одамнинг ёши, ҳолати ва касалликнинг даражасига қараб, барча шароитларни инобатга олган ҳолда у ёки бу дори-дармон ва муолажаларни тавсия этади.

Қуйида биз шифокор тавсияси билан уй шароитида шамоллашда беморга эмлик қиладиган мутлақо беозор доривор воситалар ва жўн муолажалар хусусида маълумот берамиз.

Изтиробли йўтални қолдиришда қайноқ сут ёки уни ичимлик содаси билан истеъмол қилиш ижобий натижа беради. Орасига думба қўйиб пиширилган беҳи, шолғом ҳам дардга малҳам бўлади. Швит (укроп) уруғидан тайёрланган дамлама балғамни енгилгина кўчиришга ёрдам қилади. Бунинг учун бир чой қошиқ миқдорида швит уруғи ярим чойнак қайноқ сув билан дамланади. Дамлама ўз тафти билан совугач, докада сузилиб, ош қошиқ билан кунига уч-тўрт маҳал ичилади.

Бемордаги нохуш бош оғриғини қолдириш учун ҳамда терлатувчи омил сифатида парманчак (маймунжон) ёки булдурғун (ежевика) меваси, арғувон гул барглари дамлаб ичилса, беморнинг аҳволини енгиллаштиради.

Қулупнайли мураббо ва асал аралаштирилган чой ҳароратни туширувчи безарар омиллардан. Томоқ оғриғида, бодомча безларининг яллиғланишида эса картошка бутунлигича яхшилаб қайнатилади-да, уни оғзи торроқ идишга солиб қайноқлигида эзилади. Картошканинг қайноқ буғига оғиз ва бурунни тутиб (бошга бирорта мато ёпган ҳолда оғиз ва бурун орқали) нафас олинади. Шунда битган бурун очилиб, балғам осон кўчади.

Томоқ оғриғини қолдиришда дорихоналар бисотида бўладиган маврак ўти («Трава шалфея»), тирноқгул (календула), эвкалипт барглари, мойчечак гуллари («Цветки ромашки») каби ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган дамлама билан томоқ ғарғара қилиниб, оғиз чайилиши лозим бўлади.

Шамоллаш билан бўлган хасталикларда баъзи хонадонларда беморга ёвғон хўрда, ширчой беришга ҳаракат қилинилади. Ваҳоланки, бундай беморларга қувват бўлувчи таомлар берилиши лозим.

Шифои дурдона ҳисобланувчи наъматак мевалари ўз таркибида талайгина дармондорилар-витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Наъматак меваларидан дамлама тайёрлаб ичиб туриш нафақат беморлар, балки соғлом кишилар учун ҳам фойдали.

Тумов ва грипп билан оғриган беморларнинг организмида суюқликларга нисбатан талабчанлик қузатилади. Шу сабабдан уларга мева шарбатлари (олма, узум, нок, ўрик, ананас, олча) сархил сабзи суви бериш маъқул. Беморнинг овқатланиш тартибида (рационида) сут ва сут маҳсулотлари катта аҳамиятга эга.

Саломатликни асраш, уни тиклаш кўп жиҳатдан инсоннинг тиббий савиясига, соғлиқ учун масъуллигига, атрофдагиларининг ғамхўрлигига боғлиқ. Танангиз дард кўрмасин десангиз, мутахассис маслаҳатига амал қилинг.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.
Оқил ИСҲОҚОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ЯНА БИР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Сирдарё вилоятидаги академик лицейлар сони яна биттага кўпайди.

«Маҳмуд достон» хусусий фирмасининг қўли гул бунёдкорлари томонидан Сирдарё шаҳрида қурилган замонавий, шинам янги лицей биносида илм-фан сирларини эгаллаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Лицей қурилишига 2 миллиард 356 миллион сўм сарфланди.

Академик лицей ҳадемай туман аҳлининг 450 нафар фарзандини ўз бағрига олади.

Мунаввар ПАРДАЕВ.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги АндМИИ-2 қошидаги академик лицейи қурилиши тугалланмаган бинони 270 ўринли ўқув биносига реконструкция қилиб, мавжуд академик лицей қувватини 900 ўқувчи ўрнига етказиш (калити билан).

Бошланғич нархи — 735 292 760 сўм.
Қурилиш муддати — 1 июль 2009 йил.

Буюртмачи: академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси.

Манзили: Тошкент шаҳар, Саидова кўчаси 76-уй, тел: (371) 227-11-84, 227-18-79.

Қурилиш монтаж ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14а-уй. Телефон (374) 294-72-79.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda